

Янги ўқув йили 9 сентябрдан бошланади



21:05 / 27.08.2024 1226

Мамлакатимиз истиқлол байрамининг 33 йиллигини муносиб кутиб олиш, талаба ёшларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг буйруғига асосан Олий ва ўрта махсус ислом таълим муассасаларида янги ўқув йили жорий йилнинг 9 сентябрь, душанба кунидан бошланиши белгилаб қўйилди.

Диний таълим муассасаларида янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрилиб, аудиториялар, талабалар турар жойлари, ошхона ва спорт мажмуалари таъмирланиб, талабаларни янги ўқув йилида кўтаринки руҳда қабул қилиш учун шай ҳолатга келтирилди.

Эътиборлиси, бу йилги қабул имтиҳонлари юқори савияда ташкил этилиб, кун кеча мандат натижалари эълон қилинди. Етти мингга яқин абитуриентлар ўзларига қулай бўлган 6 та ҳудудлардан бирида тест

имтиҳонларини топширдилар. Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимида илк бор электрон шаклда ўтказилган қабул имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган ёшлар талабалик бахтига муяссар бўлдилар.

Янги ўқув йилини бошлаш арафасида турган талабаларнинг илмларига барака, таълим берадиган устозларига ғайрат ато қилишини Аллоҳ таоло сўраб қоламиз!

**Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Таълим ва илмий-тадқиқот бўлими**